

## ЎЗБЕК ХАЛҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ

Нигора Хусановна Джалаева

“Мусиқий таълим ва маданият” кафедраси ўқитувчisi

Исмоилжон Исройлович Махмудов

Наманган давлат университети “Ахборот ресурс маркази ходими”

Журамирзаев Абрормирза Анваржон ўғли

Фарғона давлат университети Санъатшунослик факультети талабаси

Дилшода Акмалжон қизи Ёқубова

“Мусиқий таълим” йўналиши талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7402931>

**Аннотация.** Миллий уйгониши даври деб тан олинаётган бугунги кунимиз мустақил Ўзбекистон тарихида янги даврни бошлиб берди. Қисқа давр ичида мамлакатимиизда давлат ва жасият қурилишининг мутлақо янги сиёсий асослари яратилиши билан биргаликда ижтимоий-иктисодий ва маънавий соҳалар ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Зотан, маънавий маданиятсиз ва санъатсиз миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўттармасдан туриб, янги жасиятни, янги ижтимоий-тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барто этиши мумкин эмаслиги аён бўлди.

**Калит сўзлар:** жараён, табиат, инсон, тафаккур, тараққиёт, ходиса, воқеа, илмий.

## УЗБЕКСКАЯ НАРОДНАЯ МУЗЫКАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА

**Аннотация.** Сегодняшний день, признанный эпохой национального возрождения, открыл новую эру в истории независимого Узбекистана. В короткий срок, наряду с созданием совершенно новых политических основ государства и общества, были определены приоритетные направления развития социально-экономической и духовной сфер. Уже стало ясно, что построить новое общество, новые общественно-исторические отношения и новое мировоззрение невозможно без поднятия национальных ценностей на более высокий уровень без духовной культуры и искусства.

**Ключевые слова:** процесс, природа, человек, мышление, развитие, событие, событие, научный.

## UZBEK FOLK MUSICAL CULTURE

**Abstract.** Today, recognized as the era of national revival, opened a new era in the history of independent Uzbekistan. In a short time, along with the creation of completely new political foundations of the state and society, priority areas for the development of the socio-economic and spiritual spheres were identified. It has already become clear that it is impossible to build a new society, new socio-historical relations and a new worldview without raising national values to a higher level without spiritual culture and art.

**Keywords:** process, nature, human, thinking, development, event, event, scientific.

Ўзбекистонда янги маонавий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида санъатнинг барча соҳаларига самарали тасир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини жадаллаштирумояда. Тарихий, маданий ва маънавийахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш санъатнинг барча соҳаларида бўлганидек, мусиқий санъатда хам яққол намоён бўлмоқда. Миллий

тафаккурдаги туб янгиланишлар маънавиятимизнинг асосий ўзаги бўлиши ва уни ижтимоий онгнинг бугунги даражасига мувофиқ янги талаблар асосида баҳолаш заруриятини тақозо этмоқда. Баркамол инсон тарбиясида, айниқса, ижтимоий хаётда, ёшлар тарбиясида мусиқанинг ўрни ва ахамиятини тўғри тахлил қилиб, мусиқанинг тасирчанлик кучига баҳо беришда аниқ, равshan услубий режалар асосида иш кўришни тақозо қилмоқда. Маданиятнинг жуда кўп тариф ва талқинлари мавжуд бўлиб, уларни маданиятшунослик фани ўрганади ва инсонларнинг ижтимоий-маданий тараққиёт жараёнларида, тарихий ривожланиш даврида тутган ўрни ва жихатларига қараб мазмун моҳиятини белгилайди ва илмий асослаб беради. Маданиятни ижтимоий ходиса, деб қараш кенг ёйилган. Унинг тараққиёт қонунларига, ривожланиш омилларига, инсон тафаккурининг маҳсулига алоҳида урғу берилади. «Маданият» атамаси арабча сўз бўлиб, «Мадинат» - «шахар» деган маонони англатади. Иккинчи яна бир «ранг-баранг» деган маънони хам касб этади. Шунинг учун хам унинг туб маъносида аниқ ижтимоий ходисалар, воқеа ва жараёнлар, табиат билан инсон орасидаги боғлиқлик, тараққиёт қонунлари ётади. Инсон меҳнатининг маҳсали у яратган тафаккур дурдоналари «маданият», сифатида қабул қилинади

ва	тарихга	муҳрланади.
----	---------	-------------

Жаҳон тарихи манбаларида маданиятнинг 300 га яқин атамалари ва таорифлари мавжуд бўлиб, буларнинг барчасининг замирида инсон тафаккури маҳсали ётади. Дунё халқлари маданиятининг ранг-баранг талқин этилиши ушбу атамалар ва тарифларда ўз ифодасини топади. Маданиятшуносликда маданиятни фан нуқтаи назаридан талқин этилишида турли хил назариялар, изоҳлаш усуллари, уларнинг илмий ва услубий жараёнларига асосланиб, илмий ёндашган холда ўрганилади. Барча маданиятлар замирида инсон меҳнати ётади. Чунки маданий маҳсулот инсон учун яратилади, унинг моддий ва маонавий эҳтиёжини қондириш хусусиятига эгадир. Шунинг учун хам маданиятни инсонлар томонидан дунёни ўзлаштириш деб тушунмоқ даркор бўлади. Инсон томонидан яратилган маданий бойликлар инсон ўзгартириши лозим бўлган ўзига хос обьектdir. Бу бойликларни ўзлаштириш жараёнида шахснинг маънавий дунёси бойиди. Маданиятшунослик фани маданиятнинг асосий талқинларини кенг микёсда шарҳлаш билан бирга унинг асосий таркибий қисмларини хам аниқ, равshan қилиб белгилаб беради. Чунки маданият назарияси ана шу унсурлар билан мустахкам боғланган бўлиб, унинг замирида маданиятларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги ётади.

Ўзбек халқининг мусиқа маданияти жуда узоқ тарихга эга. Тарихий тараққиёт давомида халқ мумтоз мусиқаси, анъанавий касбий мусиқа, халқ бастакорлик йўллари, шунингдек, фолклор - хаваскорлик мусиқий мероси сингари шаклан ва услубан бирбирига яқин ижрочилик кўринишлари бир-бирини тўлдириб келди. Ушбу мусиқий меросимиз бугунги кунимизда хам маънавий маданиятимизнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлмоқда. Мустақиллик шарофати билан миллий-маънавий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, унтуилаёзган, тарихан қадрли анъаналаримизга бўлган эътибор, уларни янгидан ислоҳ этиш жараёни устувор йўналиш касб этди.

Миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз, маънавий бойлигимизга бўлган эътибор давлат миёсига қўтарили. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ота-боболаримиздан, аждодларимиздан қолган маонавий бойликларни, жумладан, мусикий маданиятни авайлаб асраш, тиклаш борасида, қолаверса, замон билан хамоханг қадам ташлаш борасида талайгина ишлар қилинди. Бу борада ўтган аждодларимиз бизларга мерос қилиб қолдириб кетган улкан маънавий бойлигимиз асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихдан маълум, маънавиятимизнинг асосий бўғини бўлган мусикий маданиятимиз, анъанавий қўшиқларимиз, мақом ижролари хамиша халқимизнинг кундалик хаётида маънавий озуқа сифатида эътироф этиб келинган. Халқ оғир кунларида мусиқадан нажот излаган, хурсандчилик кунларида хам қўшиқ ва мусиқа уларга хамроҳ бўлган.

Зеро, бугунги муборак мустақилликка эришган кунимизда, ўзлигимизни англаб бораётган бир даврда улкан маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган, ота-боболаримиздан мерос

бўлиб келган миллий мусикий маданиятимизга суюниш, анъанавий қўшиқларимизга мурожат қилиш табиий бир холдир. Буларнинг барчаси баркамол авлод тарбиясида, ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда мухим ахамият касб этади.

Анъанавий мусиқа ва қўшиқларимиз одамларни хамиша иймонга, меҳр-оқибатга, одамийликка чорлаб келган. Бугунги кунда хам шу долзарблигини йўқотмаган холда мустақилликка, меҳнаткашлар онгини шакллантириш йўлида, баркамол авлод тарбиясида восита сифатида асосий омиллардан бўлиб қолаверади.

Ашула, мусиқа, ракс, фолклор ижрочилиги санъати миллий мусиқа санъатининг халқ хаёти ва ижоди билан чамбарчас боғлиқ холда пайдо бўлган ва ривожланиб келган қадимий санъат турларидан хисобланади. Айниқса, халқимизнинг анъанавий руҳдаги қўшиқлари ўлмас мерос бўлиб, барча даврлардагидек бугун хам «лаббай» деб жавоб бермоқда. Лекин шу билан бир қаторда фақат тарихга сажда қилмай, бугунги куннинг руҳига мос тарзда қўшиқлар яратиш эса миллий мафкурамизни ривожлантиришда бош омиллардан бўлмиш мусикий санъат билан шуғулланаётган барча мутахассис ва санъаткорларга мухим вазифа қилиб қўйилиши табиийдир. Мамлакатимиз тамомила янги жамият, янги турмуш ва янги хаётни бошлаб юборди. Одамларимиз қалби, тафаккури ва тасаввурнида ўзгаришлар пайдо бўлди. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келмоқда.

Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, маонавий жабхаларнинг барча ўйналишлари ўзларининг мақсад ва вазифаларини белгилаб олишлари зарур бўлади. Айниқса, бу жабхада мусикий маданиятнинг маънавий хаётдаги ўзига хос ўрнини баҳолаш, унинг тасирчанлик кучини мустақиллик мафкураси томон йўналтириш

унинг бош мезони эканлигини англаш мухимdir. Маданий хаётда бугунги кунда шу тамойилга кўра силжишлар кузатилмоқда. Ижодкорларнинг фикри-зикри ана шу тамойиллар йўлига йўналтирилган десак, хато қилмаган бўламиз. Мусиқий маданият ўзининг серқирралиги билан ажralиб туради. Айниқса, ўзининг чукур илдизлари қадимги даврларга етиб борадиган ўзбек халқининг бой мусиқа мероси хозирги кундалик хаётимиздан хам тушгани йўқ. У халқ ижодининг юксак наъмуналари, фолклор ижрочилиги, куй тузилиши, мазмунан ривожланган чолғу ва ашула асарлари, достонлар ижрочилиги хамда мураккаб ижрочилик туркуми аталмиш мақом мусиқасини ўз ичига олади. Бундан ташқари, халқ мусиқий маданиятида ўзларининг барча даврларда сезиларли хиссаларини қўшиб келаётган халқ бастакорларининг ижоди ҳам салмоқли ўрин тутади. XIX аср охирларига келиб ўзбек мусиқий маданиятида ўзгаришлар даври бошланди. Бу албатта, Туркистон ўлкасини Россия томонидан истило қилиниши билан боғлиқдир. Бу борада икки томонлама қарашиб билан ўрганмоқ зарур бўлади. Чунки баози бир холларда миллий мусиқа маданиятимизга салбий тасирини кузатсак, иккинчи томондан, ўзига хос ривожланиш даври бўлганлигини ҳам эътироф этиш зарур бўлади. Чунки нота ёзувининг кириб келиши, ўлкамизда миллий мусиқа санъатимизни илмий равишда ўрганиш, фолклор ва этнография соҳасидаги ривожланишга сезиларли тасир этди. Бу борада В.А. Успенский, Е.Е. Романовская, Н.Н.Миронов сингари мусиқашунос ва этнограф олимларнинг меҳнатларини айтиб ўтиш зурур бўлади. Илёс Акбаров, Мутал Бурхонов, Юнус Ражабий, Толибжон Содиқов, Мухтор Ашрафий сингари мусиқамиз дарғалари улардан сабоқ олдилар. Бундан ташқари, жаҳон мусиқий маданиятининг дурдоналари саналмиш форто пиано сози, опера ва балет, симфоник ижро, жаҳон классик мусиқий созларининг кириб келиши мусиқий маданиятимизнинг хар томонлама серқирра ривожига салмоқли хисса қўшди. Натижада, ўзбек халқ мусиқалари, қўшиқлари, мақомлари жой олган 20 жилдан ортиқ китоблар дунё юзини кўрди. Сўнгги 130 йил ичida мусиқий маданиятимиз мураккаб, кескин зиддиятларга, ижобий ва салбий қўринишларга тўла тарихий даврни бошидан кечирди. Ана шу холатларга қарамай, ўтган даврлар мобайнида илм-фан, санъат, жумладан, мусиқий маданият соҳасида фахрланишга арзигулик ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш зарур. Яққол мисол сифатида мусиқа ижодиёти, ижрочилиги, мусиқа илми, таълими сингари соҳаларни олиш мухим ахамият касб этади. Бу албатта, қўшиқ савиясига салбий тасир кўрсатмоқда. Натижада юзлаб эсда қолмайдиган бир марталик ёки мавсумий қўшиқлар кўпайиб бормоқда. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, миллий эстрада руҳидаги қўшиқлар ижросига қўл уришда анъанавий қўшиқларни ва халқимизнинг севимли қўшиқларини, халқ бастакорлигининг, машхур қўшиқларини эстрада йўлига солиб, бузилган холда ижро этишлар ҳам учрамоқда. Агар халқона ижро услубларига таяниб, хар бир ижрони яхши ўзлаштириб, ана шу ижродан лейтмотив сингари фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу фикрларни амалга оширишни эстрада хонандаларининг ўзларига хавола этамиз. Бугунги кунда Миллий эстрада мусиқасини равнақ топиши учун барча имкониятлар мавжуд бўлиб, уни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги боис, хар бир ижодкордан самарали ижод қилишни, халқимизга манзур бўладиган қўшиқлар ва куйлар яратишликни талаб этади. Санъатсевар халқимиз ўзининг хақиқий ижодкори, фидоий санъаткорларини хамиша ардоқлаб келган. Зеро, хозирги замон ўзбек эстрада санъати фидоий, иқтидорли

ёш санъаткорларга бой ва халқимиз ишончини оқлашдек салохиятга эга.

## REFERENCES

1. А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.,«Ўзбекистон», 1997.
2. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. О.Умаржонов. Жаҳон динлари. Фарғона-2001.
4. Р.Юнусов. Истиқлол мағкураси ва мусиқий жараён. Т., 2002.
5. И.Акбаров. Мусиқа луғати. Т., «Ўқитувчи», 1997.
6. А.Одилов. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1995.
7. Султонали Маннопов. Сўнмас наволар. Фарғона-2003.
8. Султонали Маннопов. Ўзбек халқ мусиқа маданияти «Янги аср авлоди», Т-2004.